

ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ МИНТАҚАВИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
17 август кuni Германия Федератив
Республикаси Президенти
Франк-Вальтер Штайнмайер билан
телефон орқали мулоқот қилди.**

Кўп қиррали Ўзбекистон — Германия муносабатларини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди ҳамда минтақавий ҳамкорликнинг энг муҳим жиҳатлари муҳокама қилинди.

Афғонистондаги вазиятнинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу мамлакатдаги ҳарбий-сиёсий кескинликнинг кучайиши минтақавий ва халқаро хавфсизлик ҳолатига жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин экани таъкидланди.

Афғон муаммосининг тинч йўл билан ҳал этилишига кўмаклашиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни яқиндан мувофиқлаштириш ҳамда минтақадаги вазият юзасидан мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар олиб бориш тўғрисида келишувга эришилди.

Афғонистондан Германия фуқароларини эвакуация қилиш масалалари бўйича ҳамкорлик ҳам давом эттирилади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш, коронавирус пандемияси даврида фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва эҳтиёжманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларнинг даромадларини изчил ошириб бориш мақсадида:

1. 2021 йилнинг 1 сентябидан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдори **1,1 баробарга оширилсин.**

2. 2021 йилнинг 1 сентябидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида: меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори — **ойига 822 000 сўм;** базавий ҳисоблаш миқдори — **ойига 270 000 сўм;** пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори — **ойига 289 000 сўм;** ёшга доир энг кам пенсиялар — **ойига 565 000 сўм;** болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа — **ойига 622 000 сўм;**

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — **ойига 440 000 сўм;** иш стажига бўлмаган чоғдаги пенсияларнинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — **ойига 440 000 сўм;** белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан 623 000 сўмгача пенсия

олувчиларнинг ёшга доир ва ногиронлик бўйича пенсиялари миқдори — **ойига 623 000 сўм;**

1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг воёга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инобатга олган ҳолда — **ойига 2 750 000 сўм** этиб белгилансин;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори — **ойига 440 000 сўм** этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўлансин;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори — **ойига 440 000 сўм** ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун **165 000 сўмдан** қўшилиши белгилансин.

3. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари, пенсиялар, стипендиялар ва нафақаларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар **Давлат бюджети ва Молия вазирлиги ҳузурдаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплансин.**

▶ Давоми 2-бетда

МУНОСАБАТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БОСИБ ЎТАЁТГАН ЙЎЛ БАРЧАМИЗДА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИНИ УЙФОТИШИ ЛОЗИМ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари кенг жамоатчилик — давлат ва жамоат арбоблари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, ишодкор зиёлилар, маданият ва санъат вакиллари, умуман, халқимиз томонидан катта қизиқиш ва эътибор билан ўрганилмоқда.

ЯНГИЧА БОШҚАРУВ, ЯНГИ СТРАТЕГИЯ ВА ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

Бугун Ўзбекистон ўз мустақил тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичга қадам қўйди. Бу йўлда у жаҳоннинг қўллаб-қувватлари ва йирик халқаро ташкилотлар билан турли соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хусусан, хорижий давлатлар билан дўстона ҳамда ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасида муҳим натижаларга эришилди.


Айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбари бугунги кунда нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёнинг фаровонлиги учун жон куйдираётган, минтақани санъати ривожланган, обод ва дунё билан кенг интеграциялашган ҳудудга айлантириш орузи билан яшаб, шунга монанд меҳнат қилаётган етакчи сифатида намоён бўлмоқда.

Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири билан суҳбатда қисқа даврда Ўзбекистон халқи мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашга асос бўлувчи улкан ютуқларни қўлга киритгани чуқур мамнуният билан таъкидланган. Шунга монанд равишда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган ислохотлар ва модернизация жараёни, жумладан, қўшни мамлакатлар билан алоқаларни мустақамлаш бўйича сиёсатни дунё ҳамжамияти эътироф этмоқда.

Яна бир муҳим хусусияти шундаки, унда янги Ўзбекистон — демократия, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари борасида умумэтироф таъминланган нормаларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлат экани алоҳида қайд қилинган.

Янги Ўзбекистон ибораси ҳақида тўхталганда, энг аввало, янги иқтисодий муносабатлар, янги иқтисодий дунёқараш кўз олдимизда гавдаланади. Сўнгги беш йилда давлатимиз раҳбарининг мустақам сиёсий иродаси туфайли тадбиркорлар ўз бизнесини ривожлантириш учун эркинлик ва янги-янги имкониятларга эга бўляпти, деҳқон ва фермерлар, кластер ҳўжаликлари ўзлари етиштирган ҳўсалнинг ҳақиқий эгасига айланмоқда.

▶ Давоми 3-бетда



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ:



БИР ЎЛКАКИ ТУПРОҒИ ЗАР, ЭЛИ МУЗАФФАР

Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёт йўлини бошлаганига 30 йил тўляпти. Бу улуг санани муносиб кутиб олиш ва юксак даражада нишонлаш учун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кенг кўламли ислохотлар амалга ошириляпти. Тошкент вилоятида ҳам бу борада кутлуг қадамлар ташланмоқда. Тошкент вилояти ҳокими Даврон ҲИДОЯТОВ билан суҳбатимиз ўтган давр мобайнида вилоятда амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ва истиқболдаги режалар ҳақида бўлди.

— Даврон Абдулфаттахович, Президентимиз “Тошкент вилоятида санъат, қишлоқ ҳўжалиги, савдо, хизмат кўрсатиш бўйича улкан салоҳият бор. Шунинг учун вилоятга жуда катта марра кўйганмиз”, дея таъкидлаган эди. Катта иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятга эга бўлган марказий вилоят раҳбари сифатида ҳудудингизда амалга оширилган ислохотлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

Йилларда вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари туфайли шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгарди, аҳолига янада қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Мавжуд 22 та туман ва шаҳар ҳам кенг кўламли бунёдкорлик майдонига айланиб, замонавий турар жойлар, ижтимоий соҳа объектилари бирин-кетин фойдаланишга топширилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятда 3,9 триллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 117,2 фоизни ташкил этди. Хусусан, 2021 йил Инвестиция дастури, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида

ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектиларини қуриш ҳамда таъмирлаш бўйича 63 та мактабгача таълим муассасасида 13,8 миллиард сўмлик, 68 та умумтаълим мактабда 23,2 миллиард сўмлик, 12 та соғлиқни сақлаш объектида 17,3 миллиард сўмлик, 13 та ичимлик ва оқова сув тармоғида 15,8 миллиард сўмлик ва автомобиль йўллари жабҳасида 93,3 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди.

Президентимизнинг 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойиллари асосланган ипотeka кредитларини ажратилш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони асосан “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси вилоят филиали томонидан 1646, тадбиркорлар томонидан 5026 хонадонли 150 та кўп қаватли уй-жой қурилиши жадал давом этапти.

▶ Давоми 4-5-бетларда

КУН МАВЗУСИ



ВАКЦИНА ОЛМАДИНГИЗМИ? ҲАЛИ ҲАМ КЕЧ ЭМАС...

Коронавирус пандемияси бошлангандан бугунга қадар ўтган вақт мобайнида одамларни ушбу хатардан ишончли ҳимоялай оладиган вакцина қачон яратилиши, унга ишончли даво чорасини топиш барча давлатлар қатори юртимиз аҳолисининг ҳам энг муҳим ва долзарб саволи бўлиб келди.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланғичи 1-бетда

Иш берувчиларга иш ҳақи миқдорларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорларини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

4. Молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ушбу Фармоннинг мақсади, вазифалари ва ундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2021 йил 1 сентябрдан иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

6. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Кучкаров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2021 йил 1 ноябрга қадар ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 17 август

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АХБОРОТИ

2021 йил 14 август куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда округ сайлов комиссияларининг шахсий таркиби тасдиқланди ва Оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказилди. Шунингдек, 2021 йил 24 октябрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлоvida иштирок этиш учун сиёсий партияларга ижозат бериш тўғрисида аризалар келиб тушиши навбатидида қуйидаги қарорлар қабул қилинди:

1. Ўзбекистон Экологик партиясига Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлоvida иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида Марказий сайлов комиссиясининг 1094-сон қарори;

2. Ўзбекистон Халқ демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлоvida иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида Марказий сайлов комиссиясининг 1095-сон қарори;

3. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлоvida иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида Марказий сайлов комиссиясининг 1096-сон қарори;



4. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлоvida иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида Марказий сайлов комиссиясининг 1097-сон қарори;

5. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлоvida иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида Марказий сайлов комиссиясининг 1098-сон қарори.

Мазкур қарорлар Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинди.

Марказий сайлов
комиссияси
Матбуот хизмати

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

ҲАҚИҚАТНИ АНГЛАБ ЕТИШ БАХТИ



Рашида ЁДҒОРОВА,
Жиззах вилоятидаги "Санзор"
фермер хўжалиги раҳбари,
"Дўстлик" ва "Эл-юрт ҳурмати"
орденлари соҳиби

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг "Янги Ўзбекистон" газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига берган жавобларини диққат билан мутолаа қилиб, ўзим учун яна бир янги дунёни кашф этгандек бўлдим.

Бевосита аграр соҳа вакили бўлганим учун ҳам, давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида олдимизда турган энг устувор вазифалар ҳақидаги мулоҳазаларида қишлоқ хўжалиги соҳасига алоҳида тўхталиб ўтгани айниқса эътиборимни тортиди.

Давлатимиз раҳбарининг "Аҳвол шу даражага етиб борган эдик, лекин косамиз оқармади", деган сўзлари битта мен эмас, балки барча дала меҳнатқашларининг дилдаги гаплар эди, десам янглишмайман. Собиқ иттифоқ даврида жуда кўп пахта экардик, аммо ўзимиз учун оддий кўрпа-ёстиққа кетадиган 5-10 кило пахта топишга қийналардик.

Қарийб чорак асрдан буён фермерман. Атиги 6 гектар ерда фаолият бошлаган эдим. Бошланғичда отамдан қолган кетмондан бошқа биронта "техника" йўқ эди. Бугун деҳқончилик қилишга мўлжалланган еримизнинг ўзи 150 гектардан кўпроқ. Бу ерда эмин-эркин фаолият юритиш учун зарур бўладиган трактору комбайнларининг сони 10 тадан ошди. Аҳил жамоамиз, қудратли моддий техника базамиз мавжудлиги ва, албатта, биз, фермерлар шахсан Президентимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани сабаб қатор йиллардан буён пахтадан камиди 40, галладан 65 центнердан ортиқ ҳосил кўтариб келаямиз.

Чорвачилик мажмуамизда хорижнинг 400 бошдан ортиқ симментал зотли йирик шоҳли моли, бир минг бошга яқин қўй-эчки парвариланмоқда. Утган йили 365 тонна сўт, 155 тонна гўшт сотдик.

Жамоамизда 30 киши, аниқроғи, шунча оила иш билан таъминланган. Улар қилган меҳнатига яраша ҳақ олмоқда. Кейинги тўрт-беш йил ичида яратилган имконият — галладан бўшаган майдонларга ўзи хоҳлаган экинини экишга руҳсат берилгани жамоамиз аъзоларининг ғайратига-ғайрат, шижоатига шижоат қўшаётди. Улар қовун-тарвуз, мош ва бошқа экинларни экиб, ўзидан ортганини экспорт қилиб, даромад олмоқда.

Айтаётганларимдан хулоса нима? Президентимиз ўз интервьюсида таъкидлаганидек, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги бўйича улкан салоҳиятга, қадимий тажриба ва бой анъаналарга эга. Бугун биз, деҳқонларга ана шу имкониятлардан оқилон ва унумли фойдаланиш учун барча шарт-шароит муҳайё. Фақат ҳаракатда бўлсак, ҳалол меҳнат қилсак, шунинг ўзи кифоя. Шу ҳақиқатни англаб етишнинг ўзиёқ инсон қалбида шукроналик туйғуларини жўш урдирди.

КУН МАВЗУСИ

ВАКЦИНА ОЛМАДИНГИЗМИ? ҲАЛИ ҲАМ КЕЧ ЭМАС...

Жасур РИЗАЕВ,
Самарқанд давлат тиббиёт
институтини ректори,
профессор

Бошланғичи 1-бетда

Бу борада бутун дунёда соҳа олимлари бош қотира бошлади. Мамлакатимиз тиббиёт соҳаси вакиллари жаҳоннинг етакчи мутахассислари билан ҳамкорликда касалликнинг энгил даражаларини даволашга оид йўриқномалар ишлаб чиқди.

Бугунги кунга келиб, ушбу касалликка қарши бир қанча вакциналар яратилди ва амалиётга жорий қилинди. Ҳозир юртимизга ҳам вакцинанинг бир неча тури давлат ҳисобидан келтирилиб, аҳолини эмлаш жараёни давом этмоқда. Лекин, афсуски, халқимиз орасида вакцина тўғрисида ижтимоий тармоқларда тарқатилган турли ёлғон, исботланмаган хабарларга ишониб, саросимага тушиб, вакцина олишдан бош тортиш ҳолатлари учраб турибди.

Коронавирус кириб келган илк кунлардан бугунга қадар давлатимиз раҳбари томонидан айнан COVID-19 ни жиловлash ва унинг салбий таъсирини камайтириш, мамлакатимиз иқтисодиётини бар-

Жонсизлантирилган ёки рекомбинант вакцина инсон танасига юборилганда ҳам шундай жараён содир бўлади: иммун тизими уни аниқлаб, қурашувчан махсус бўлинмаларни ишлаб чиқаради. Жонли вирусдан фарқи шундаки, у инсон танасида касаллик келтириб чиқара олмайди. Ушбу усул ҳозирги пайтга қадар касалликларнинг олдини олиш ва унга қарши қурашнинг энг самарали усули бўлиб келмоқда. Табиийки, инсон организми доимий микроблар (антигенлар) қуршовида экани эътиборга олинса, бундай иммун тизими ва табиий вакцинация танамизни мунтазам ҳимоя қилиб туради.

Ҳозир мамлакатимизда олиб борилаётган оммавий вакцинация кўзда келиши тахмин қилинаётган навбатдаги касалланиш тўлқинининг олдини олади.

Давлатимиз раҳбари шу муносабат билан халқимизга, шифокорлар ва олимларга бир неча бор мурожаат қилиб, пандемия бўйича учта муҳим қоидага қатъий амал қилиш зарурлигини таъкидлади.

Биринчидан, вирусдан ҳимояланиш ва уни енгишнинг энг муҳим шarti — бу, албатта, вакцинация. Қанчалик машаққатли бўлмасин, ушбу мақсад учун бугунги кунга



қескин карантин қоидалари асосида фаолиятини давом эттирмоқда. Пандемиядан имкон қадар йўқотишларсиз ўтишимиз ва кейинги тўлқинларга йўл қўймаслик учун юрtdошларимиздан карантин қоидаларига қатъий амал қилиш талаб этилади.

Айни кунларда дунёда инсон заковати, қобилияти ва истеъдоди нималарга қодир экани синовдан ўтмоқда. Давлатимиз раҳбарининг илм ўрганиш, илм-фаннинг янги марраларини эгаллашга ундовчи чорловлари нақадар чуқур мазмун-моҳиятга эга экани яна бир қарра намойён бўлмоқда. Ҳа, оддий чанг заррасидан миллион марта кичик бу кўзга кўринмас офатга қарши фақат ақл-заковат, билим қудрати билангина қурашиш мумкин. Мамлакатимиз илм-фани ўзига билдирилган юксак ишонччи тўла оқлашига шубҳа йўқ. Шунингдек, илм-фан борасидаги туб ислохотлар, мамлакат ёшларининг билим олишига ва яратувчанлик иштиёқининг қўллаб-қувватланиши келгусида ўз мевасини беради.

Шу ўринда энг қутилган — "Эмланмиш зарурми?" деган ҳақли саволга жавоб тайин ва оддий: ҳа, албатта, эмланиш шарт! Сабаби, биринчидан, ўта зарарли, заҳарли ва ҳатто ўлимга олиб бораётган коронавирусни қабул қилиб, уни танамиз энгиб чиқариб юбормагунча кутиш, бу "катта жанг"да организмимизни батамом ҳолдан тойдириб, кейинчалик турли бошқа касалликларни орттириб олишимизга сабабчи бўлганда кўра, коронавирустан тамомила холи ҳолатда ўзимизни, оила аъзоларимизни, яқинларимизни ва аҳолини эмлатганимиз минг қарра афзал.

Иккинчидан, коронавирустан пандемиясининг янги тўлқинига тутилиб, вирус юқтириб олган яқинларимизни узоқдан кузатиб туришдан, яна карантин чекловларини жорий қилиб, фарзандларимизни мактабларга юрtdошларимиз билан уйга қамаб, орзу-хавасли дамларини чеклаб туришдан ва энг ёмони, оиламиз ва мамлакат иқтисодиётининг издан чиқишига, жамиятимизда ҳукм сураётган янгилашуви жараёнларининг секинлашуви сабабчи бўлганда кўра, вакцина билан эмланиш — ақл ва мантқиққа мос бўлган энг тўғри қарордир. Зеро, барчамиз икки йилга яқин вақт мобайнида инсоният ушбу пандемиядан нечоғлиқ азият чекаётганига гувоҳимиз.

Коронавирустга қарши эмлаш, аҳоли саломатлигини сақлаш бўйича бир қанча чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, Самарқанд вилояти аҳолиси ўзи хоҳлаган даволаш профилактика муассасасида ZF-UZ-VAC-2001, Спутник V, Astra Zeneca ва Moderna вакциналаридан бирини олиши мумкин.

Бугунги кунга юртимизда 12 миллион 260 минг дозадан ортиқ вакцинадан фойдаланилди. Самарқанд вилоятида эса бу кўрсаткич 1 миллион 200 мингдан зиёд дозани ташкил этади.

Германиянинг Deutsche Welle нашри маълумотида кўра, COVID-19 га қарши эмлаш Германияда минглаб ўлим ҳолатининг олдини олган. Германиянинг Роберт Кох институти мутахассислари маълумотида кўра, коронавирустга қарши эмлаш кампаниясининг дастлабки олти ойи давомида 38 мингдан ортиқ ўлимнинг олди олинган. Дориларсиз профилактика чоралари ва вакцинация инфекция юқиши билан боғлиқ 706 мингта ҳолатнинг олдини олишга, шифохоналардаги беморлар сонини 76,6 мингта камайтиришга ёрдам берган.

Бугунги вазиятда Самарқанд давлат тиббиёт институти жамоаси ҳам юртимизда коронавирустан инфекциясига қарши қураш бўйича Самарқанд вилояти ва қўшни вилоятлар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш учун қўшимча чора-тадбирларни белгиледи. Институтнинг 35 та кафедрасида фаолият кўрсатаётган 300 нафардан зиёд профессор-ўқитувчи Самарқанд шаҳридаги 12 та оилавий поликлиника, 47 та оилавий поликлиника ва 131 та оилавий шифохона пунктига коронавирусту файли стационар ва амбулатор шартда ётган беморларни даволаш юзасидан амалий ёрдам кўрсатиш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш учун бириктирилди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорлик йўлга қўйилди ва институтга COVID-19 профилактикаси бўйича аҳоли учун мўлжалланган 80 мингта тарқатма материал (брошюра, плакат ва бошқалар) олиб келинди. Айни пайтда профессор-ўқитувчилар орқали оммавий тарзда аҳолига тарқатилмоқда. Жойларда, маҳалларда телевидение ва радио орқали ташвиқот ишлари олиб боришмоқда.

Самарқанд шаҳрида иккита (2- ва 4-оилавий поликлиникаларда), қолган 15 та тиббиёт биноларида негизда биттадан махсус COVID поликлиникаси ташкил қилинган. Махсус поликлиникаларда жами 51 та мобиль бригада фаолият олиб бормоқда. Уларнинг ҳар бирига бир кунда ўртача 50-55 та мурожаат бўляпти. Вилоятда бугунги кунда 353 та эмлаш пункти фаолият кўрсатмоқда.

Институтимизнинг малака ошириш факультетида коронавирустан касаллигини даволашга мўлжалланган шифохоналарда 473 нафар шифокор Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коронавирустан касаллигини даволаш учун тегишли йиғилиш баённомаси бўйича ўқитилди ва махсус сертификатлар берилди. Ҳозир яна 100 нафар шифокор тайёрланмоқда.

Аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш, юрtdошларимизнинг коронавирустан инфекцияси борасидаги саволларига тегишли мутахассислар томонидан тавсия ҳамда маслаҳатлар бериш мақсадида шу йил 1 июлдан 24 соат давомида фаолият олиб борадиган "Call марказ" ва унинг негизда "Онлайн поликлиника" хизмати ҳамда "Онлайн маслаҳат" телеграм бот канали ташкил этилди. Уларга пухта билим ва тажрибага эга умумий амалиёт шифокорлари, кардиолог, невропатолог, эндокринолог, ЛОР, инфекционист, акушер-гинеколог ва психолог каби малакали профессор-ўқитувчилардан иборат мутахассислар бириктирилди.

Бугунги кунга қадар "Онлайн поликлиника" хизмати билан ҳамда "Онлайн маслаҳат" телеграм бот канали орқали уч мингта яқин мурожаат келиб тушган ва 2700 дан ортиғи бўйича маслаҳатлар берилди. Шунингдек, бир вақтнинг ўзида мутахассислар томонидан аҳолини коронавирустан инфекциясига қарши эмлаш бўйича тарғибот ишлари олиб боришмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Тошкент вилояти 1938 йил 15 январь кунини ташкил топган. Умумий майдони 15,25 минг квадрат километр. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикалари ҳамда Наманган ва Сирдарё вилоятлари билан чегарадош. Аҳолиси 2 миллион 986,2 минг нафар. 7 та олий таълим муассасаси, 62 та касб-хунар коллежи, 2 та академик лицей, 891 та умумий ўрта таълим мактаби, 1372 та мактабгача таълим, 242 та соғлиқни сақлаш муассасалари мавжуд.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ:

БИР ЎЛКАКИ ТУПРОҒИ

Истиқлолнинг истиқболли ислохотлари



Бошланғичи 1-бевда

Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтишим жоизки, шу йилнинг январь-май ойларида 3920 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.

Бугунги кунгача вилоятда фаол инвестиция муҳитини яратиш, саноат ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш, мавжуд ресурслардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш эвазига янги иш ўринларини қўпайтиришдан иборат лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Президентимиз томонидан жорий йилнинг 10 август кунини Тошкент вилоятида саноатни ривожлантириш масалари бўйича ўтказилган йиғилишда вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларидаги имкониятлар кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари вилоятда имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётганини қайд этиб, саноат тармоқларида янги лойиҳаларни қўпайтириш, қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш муҳимлигини таъкидлади ва олдимизга йил якуни билан ҳудудий саноат ҳажмини 40 фоизга ошириш вазифасини қўйди.

Маълумки, вилоят иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири қишлоқ ҳўжалиги ҳисобланади. Қишлоқ ҳўжалиги, ўрмон ва балиқчилик маҳсулотларининг умумий ҳажмидаги улуши бугунги кунда 11,1 фоизни ташкил этади. Бундан ташқари, фармацевтика ва тиббиёт соҳалари ҳам жадал ривожланмоқда, "Паркент фарм" ва "Бўстонлик фарм" эркин иқтисодий зоналарида ишлаб чиқариш ҳажми охиб бормоқда.

Вилоятда амалга оширилаётган ишлар ва кўзда тутилган режалар ҳақида гап кетганда, аввало, кейинги йилларда ҳудудимиз экотуризм масканига айланиб бораётгани, шу боис, воҳага келиб-кетувчи сайёҳларнинг сони ортганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Турли йўналишдаги 100 дан ортқ дам олиш масканларининг мавжудлиги эса вилоят туристик салоҳиятини янада кенгайтиришга замин яратмоқда.

Бунда, албатта, вилоятнинг қулай иқлим шароити, ноёб фауна ва флораси, янги ривожланган туризм инфратузилмаси, "Чорвоқ" эркин туристик зонаси муҳим аҳамият касб этади. 2020 йил бошида 273 та туризм объекти мавжуд эди, жорий йилнинг ўтган даврида 249 та янги объект ташкил этилди.

— Президентимизнинг 2020 йил 1 майдаги "Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида"ги қарори доирасида олиб борилаётган ишлар борасида ҳам маълумот бериб ўтсангиз.

— Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори ишмида дастуриламал бўлмоқда. Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш кўрсаткичлари солиқ тўловлари, экспорт, мурожатлар, тадбиркорлик, кичик бизнес, саноат, хизмат

кўрсатиш, чакана савдо, инвестиция, хотин-қизлар ва ёшлар йўналишларига боғлиқ ҳолда белгиланади.

Кичик бизнес субъектлари йўналишида олиб борилган таҳлилларга кўра, бугунги кунда энг юқори натижа Бўқа туманида қайд этилган — 104 фоиз. Бекобод, Қуйи Чирчиқ, Бўстонлик ва Оққўрғон туманларида ҳам яхши натижага эришилган.

Шунингдек, солиқ тўловларининг йиғилиш даражаси худудлар кесимида ўрганилганда, вилоятдаги солиқ тушумларининг асосий улуши Зангиота, Қибрай, Тошкент туманлари, Чирчиқ ва Ангрен шаҳарларига тўри келяпти.

Бундан ташқари, вилоят ҳудудий экспорт режаси кўрсаткичлари бажарилишини таъ-

вис компаниясига бириктирилди. Энди 228 та кўп қаватли уй аҳолисига коммунал соҳада сифатли хизмат кўрсатилади. Олмалиқ шаҳрида ҳам 20 та ширкат 5 та БСКга айлантирилди. Бу эса 201 та кўп қаватли уйда истиқомат қилаётган аҳоли вакилларига коммунал соҳада сифатли хизмат кўрсатилиши учун замин яратади. Йил якунига қадар вилоят тасарруфидаги туман, шаҳарлардаги қолган кўп қаватли уйлар ҳам БСКлар томонидан тўлиқ қараб олиниши режалаштирилган. Ҳозир мазкур ташкилот томонидан Оҳангарон, Нурафшон, Бекобод, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари ва Янгийўл туманида маъмурий бинолар (офислар) бунёд этиляпти. 2021 йилда Инвестиция дастури бўйича

таъминлаш бўйича ишлар ҳам давом этяпти. Жойларга 144 та замонавий янги трансформатор ва 438 896 нафар истеъмолчи хонадонига замонавий, масофадан туриб бошқариладиган, АСКВЭ тизимига мос келувчи ақлли ҳисоблагичлар ўрнатилиб, босқичма-босқич ишга туширилмоқда. Натижада дебитор қарздорлик 15 миллиард сўмга қисқарди.

— Шу ўринда ғалладан бўшаган майдонларни ишсиз фуқароларга 10 йил муддатга деҳқон ҳўжалиги шаклида ажратиб бериш борасида қилинган ишлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Жорий йилда вилоятимизда 106 минг 495 гектар майдонга ғалла экилган бўлиб, ушбу майдонлардан давлатга 267 минг 462 тонна — 239 минг 960 тонна товар дон, 27 минг 502 тонна уруғлик ғалла ҳосили олиш режалаштирилган. Халқимизнинг ризку рўзи бўлган донни нест-нобуд қилмасдан ўз вақтида ва сифатли йиғиштириб олиш бўйича барча чоралар кўрилди ва юқори ҳосил олишга эришилди.

Вилоятда ғалладан бўшаган майдонларни ишсиз фуқароларга 10 йил муддатга деҳқон ҳўжалиги шаклида ажратиб бериш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Хусусан, "Бир худуд — бир маҳсулот" тамойили асосида ерларни 20 сотихдан қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда ажратиб бериш режалаштирилган. Туманларда "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"га рўйхатда турганлар ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти етиштириш истаги бор хонадон эгаларига ўртача 20-25 сотихдан ер ажратиб бериш орқали вилоят бўйича 270 минг нафар



минлаш бўйича кўрилган чоралар ва амалга оширилган ишлар натижасида жорий йилнинг январь-март ойларида 156,4 миллион АҚШ долларлик маҳсулот ва хизматлар экспорти амалга оширилиб, белгиланган прогноз 123,3 фоизга бажарилган. Ҳисобот даврида вилоят экспортидаги юқори улуш Чирчиқ шаҳри (36,6 миллион доллар) ва Янгийўл тумани (18,1 миллион доллар) ҳиссасига тўғри келмоқда. Ҳозир вилоятда 730 дан зиёд экспортёр корхона фаолият юритмоқда. Жорий йилнинг 5 ойида 60 миллион долларлик қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, 21 миллион долларлик қурилиш моллари, 1,1 миллион долларлик пойабзал ва чарм маҳсулотлари, 117 миллион долларлик трикотаж ва ип-калавма маҳсулотлари экспорт қилинди.

— Куз эшик қоқиб турибди. Шундай экан, аҳоли яшаш шароитини яхшилаш, кўп қаватли уйларни бошқариш, газ, электр энергияси, иссиқлик ва ичимлик сув таъминоти борасидаги ишлар қандай кетаяпти?

— Шу ўринда айтиш лозимки, вилоятимизда самарасиз фаолият юритаётган уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўрнига бошқарув сервис компаниялари ташкил этилди. Ушбу янги тузилма соҳадаги мавжуд муаммоларни тизимли бартараф этиш, аҳолига қулайлик яратишга хизмат қилмоқда. Яна бир қулайлик жиҳати шундаки, БСКда тўлов биллинг тизими орқали қабул қилинади.

Бугунги кунда вилоятдаги 153 та ширкат 38 та бошқарув сервис компаниясига бириктирилди. "Обод қишлоқ" дастури доирасида 9 та кўп қаватли уй таъмирланиб, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари жадаллик билан давом эттирилмоқда. Масалан, Бекобод шаҳридаги 21 та ширкат тугатилиб, 6 та бошқарув сер-



ичимлик ва оқова сув тизимларини яхшилаш, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш даражасини ошириш юзасидан 488,5 километр ичимлик ва оқова сув тармоғи, 106 та сув кўтариш иншооти биноси ва 202 та сув кўтариш мосламалари мукамал ва жорий таъмирланди. Қисқаси, вилоятда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси тасарруфидаги барча корхона ва ташкилотларда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида олиб борилаётган тизимли ишлар изчиллик билан давом этмоқда.

Жорий йилда аҳолини узлуксиз табиий газ билан таъминлаш мақсадида 10,5 километр янги тармоқ тортилди. Натижада 9176 та хонадон табиий газ билан таъминланди. Аҳолини электр энергияси билан

аҳолининг бандлиги таъминланди. Бу ер майдонларидан самарали фойдаланиш, аҳолига маҳсулот экиш, парваришlash ва йиғиб олиш учун қулайлик яратиш ва етиштирилган маҳсулотлар нобудгарчилигининг олдини олиш мақсадида, агрокластерлар, экспортёр корхоналар ва "Томорқа хизмати" МЧЖлар бириктирилган.

Бир сўз билан айтганда, ўзаро ҳамжиҳатликда истиқомат қилаётган Тошкент вилояти аҳолисининг эртанги кундан умиди катта. Улар ҳалол меҳнати, шижоати, ташаббускорлиги билан мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллигини ҳар жабҳада улкан ютуқлар билан кутиб олади.

Гуличеҳра ДУРДИЕВА суҳбатлашди.



Бекободнинг бахтли бекалари

Хотин-қизларнинг муаммоларини тизимли ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг июнь ойи ҳолатига кўра, Бекобод туманида 3204 нафар хотин-қиз "Аёллар дафтари"га рўйхатда турибди. Бу дафтарнинг юритилиши бўйича ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида махсус ишчи гуруҳ тузилган.

"Боғишамол" МФЙ ҳудудида гул етиштираётган "Лолазор ифори" деҳқон ҳўжалиги иссиқхонаси 3 йил аввал Санобар Рўзиқуллова томонидан ташкил этилган эди. Бугунги кунда Санобар опа 30 миллион сўм кредит маблағи ҳисобига 25 сотих ерга турфа гуллар экиб, ҳудуд ободлигига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. У етиштирган қучатлар қўшни Тожикистонга ҳам экспорт қилинапти. Энг асосийси, тадбиркор нафақат ўзини ўзи банд қилган, балки "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларни ҳам иш билан таъминлаяпти.

Бундан беш йил олдин турмуш уртоғи вафот этиб, 4 нафар фарзанди билан ёлғиз қолган М.Оқилова ҳам "Боғишамол" маҳалласида яшайди.

— "Аёллар дафтари"га рўйхатда турман, — дейди у. — Қизимни олий таълим муассасасида ўқитиб, турмушга узатдим. Икки ўғлим эса шартнома асосида олий ўқув юртида таҳсил олади. Улар менинг сунанчим. Қанотимга кириб, ҳовлимиздаги мавжуд иссиқхонадаги экинларга қарайди. Карам, маккажўхори экиб рўзгорининг камини тўлдиряпмиз. Ҳозирда бировдан кам жойимиз йўқ.

"Хон қизи" тикувчилик корхонаси раҳбари Шоҳида Эрматова беш йил аввал 3 та тикув машинаси билан ўз фаолиятини бошлаган эди. Ҳозир эса 60 нафар хотин-қизни, жумладан, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари"га киритилган бир неча аёлни иш билан таъминлаб келмоқда. Ишлаб чиқарган маҳсулотларини Россияга экспорт қияпти.

Жорий йил бошидан буён туманда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлардаги доимий иш ўринларига 116 нафар, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига 205 нафар, шахсий томорқасига иссиқхона қуриб бериш орқали 13 нафар, ишсизлик нафақаси тайинлаш орқали 155 нафар, 0,25 сотих ер ажратиш орқали 395 нафар — жами "Аёллар дафтари"га кирган 884 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланган. Бундан ташқари, ҳудуддаги 916 нафар аёлга экин экиш учун 222,57 гектар ер майдони ажратилди.

Туманда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида юрган аёлларнинг 325 нафарига 7 миллиард 165 миллион сўм кредит олиб берилди.

Шунингдек, 319 нафар хотин-қизга "АПК Бекобод" кластер ва фермер ҳўжаликлари ер майдонларидан 25 сотихдан ер ажратилиб, туман Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан экишгача бўлган агротехника ишлари амалга оширилди.

Хулоса қилиб айтганда бўлсақ, хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида уларни "Аёллар дафтари"га киритиш орқали кўмак бериш доимий назоратда.



